



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 17 » ноябрь

№ПК–4896

Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати **330 дан ортиқ гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини** олиб борувчи пунктларни бирлаштириб, улар ёрдамида **240 турдан ортиқ прогностик, сўнъий йўлдошлардан** олинадиган, таҳлилий, ихтисослаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик маҳсулотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саноат, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир этувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмаганлиги, гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепцияси мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермаслиги, гидрометеорологик кузатув тармоғининг ривожланмаганлиги, шунингдек, бошқарув ва прогнозлар тайёрлаш жараёнларининг ортиқча марказлаштирилганлиги, ходимлар етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминламаяпти.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юритиш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) **2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

б) **2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

в) **Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази кузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича дастур** (кейинги ўринларда – Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастур 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) учун назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2. **Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги** соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзгидромет Марказий Осиё давлатлари учун **Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ихтисослаштирилган метеорология маркази**, шунингдек, **Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг гидрометеорологик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тарқатиш бўйича Минтақавий телекоммуникация маркази** функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. **Ўзгидромет ҳузуридаги “Метеоинфосистем” ахборот-техник бошқармаси** негизида **“Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази”** давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Метеоинфоком) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Метеоинфоком ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилади;

Метеоинфокомни жорий сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимлари меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг Тошкент гидрометеорология коллежи негизида Тошкент гидрометеорология техникумини (кейинги ўринларда – Техникум) ташкил этиш ва уни Ўзгидромет тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Техникум гидрометеорология соҳасида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ўқув муассасаси, метеорология, гидрология, гидрометеорологияда алоқа ва коммуникациялар соҳасида касб-ҳунар таълими бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул этиб белгилансин.

Белгилансинки:

Техникумда кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

Техникумнинг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Техникум Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ўқув маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидрометда гидрометеорология, хавfli гидрометеорологик ҳодисалардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш, авиацияга метеорологик хизмат кўрсатиш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг Тошкент гидрометеорология техникумида дастур асосида малакасини ошириш тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Т.А. Худайбергенов), Мудофаа вазирлиги (Б.Н. Қурбонов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) бир ой муддатда ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзгидрометнинг “Гидрометприбор” илмий-ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзгидромет тузилмасида:

Ўзгидромет ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Бош директорнинг ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Бош директорнинг молия-хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилсин;

Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаси ташкил этилсин.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ташкилий тузилмаси **4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази марказий аппаратининг тузилмаси **5-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаларининг намунавий тузилмаси **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзгидромет бош директориغا, зарур ҳолларда, марказий аппарат, унинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бошқармалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. **2021 йил 1 январдан бошлаб:**

а) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларининг лавозим маошларини ҳисоблашда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари учун белгиланган тариф коэффициенти икки баравар оширилган ҳолда қўлланилсин;

б) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун қуйидаги миқдорда **ойлик устама** ҳақ тўлансин (белгиланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффицентларда):

2 йилдан 5 йилгача – **0,2**; 5 йилдан 10 йилгача – **0,3**; 10 йилдан 15 йилгача – **0,4**; 15 йилдан 20 йилгача – **0,5**; 20 йилдан 25 йилгача – **0,6**; 25 йилдан ортиқ – **0,7**.

Бунда, соҳада ўзоқ муддат хизмат қилганлик учун иш ҳақиға устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзгидромет ва унинг тизим ташкилотларидаги иш стажини инобатга олинади.

Белгилансинки, ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган гидрометеорология фаолияти бўйича илмий лойиҳаларни шакллантириш орқали илмий-тадқиқот ишланмаларини молиялаштиришни таъминласин.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан 2021–2023 йилларда ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг **2021/2022 ўқув** йилидан бошлаб **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси 2021 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Ўзгидрометнинг салоҳиятли ходимларини етакчи хорижий таълим, илмий ва ихтисослаштирилган муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташини ташкил этсин.

13. Ўзгидромет (Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев):

а) гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси ва Париж битими доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ш.М. Қодиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) билан биргаликда **икки ой** муддатда гидрометеорология фаолиятида сунъий йўлдош ва ерни масофадан зондлаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишнинг ягона телекоммуникация тармоғини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикасида авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида халқаро меъёрий ҳужжатлар қоидалари ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти билан ҳамкорликни таъминласин;

г) **2021/2022** ўқув йилидан бошлаб Россия давлат гидрометеорология университети ва бошқа хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари бўйича гидрометеорология йўналишида кадрлар тайёрлашни ташкил этсин;

д) хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноз қилиш, кузатиш, улар содир бўлиши хавфи юқори бўлган минтақалар ва ҳудудларни аниқлаш, тегишли профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар беришни таъминласин, шунингдек, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимидаги хизматларга тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб борсин;

е) куйидагиларни:

уч ой муддатда атроф табиий муҳит мониторинги таҳлил лабораторияларининг моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш, шунингдек, таҳлилларни амалга ошириш учун зарур бўлган кимёвий реактивлар, синов газлари, прекурсорлар ва бошқа сарфлаш материаллари билан уларни таъминлаш бўйича таклифларни;

2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда Концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини;

2021 йил 1 февралга қадар гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига рўхсат бериш ва маълумот алмашилиш тартибини;

2021 йил 1 мартга қадар халқаро молия институтлари ва фондларнинг гидрометеорология ва атроф табиий муҳит мониторингини такомиллаштиришга йўналтирилган техник кўмак лойиҳалари дастурини;

“Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог” унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) билан биргаликда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширишда инвесторларга шартнома асосида метеорологик ва гидрологик маълумотларни тақдим этишни ташкил этсин;

з) Энергетика вазирлигининг буюртмасига биноан, шартномалар асосида, янги қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган ҳудудларда тегишли ўрганиш ва тадқиқотларни амалга оширсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 8–80-иловаларга мувофиқ Ўзгидромет буюртмалари бўйича Дастурда назарда тутилган янги очилаётган гидрометеорология станциялари ва постлари учун ер участкалари (суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бино-иншоотлар қурилишини таъминласин.

15. Ўзгидромет (Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) билан биргаликда 9-иловага мувофиқ соҳаларга жалб этиладиган халқаро молия ташкилотлари грантлари ҳисобига мавжуд ва янги очилаётган метеорология, гидрология ва агрометеорология станциялари ва постларини автоматик қурилмалар билан жиҳозлашни ҳамда ходимларнинг малакасини оширишни таъминласин.

16. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров) Ўзгидромет (Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев) ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда гидрометеорологик маълумотлар асосида чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш ишларини самарали ташкил этсин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) Ўзгидромет (Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев) билан биргаликда сув захиралари ва ресурсларини назорат қилиш, сув ресурслари бўйича прогнозлар ишончилигини ошириш бўйича тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб боришни таъминласин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) Ўзгидрометда маълумотларни узатиш ягона корпоратив тизимини ташкил этиш орқали гидрометеорологик ахборот ва сунъий йўлдош маълумотлари ягона телекоммуникация тармоғини яратишни таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И. Мақсудов), Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) ва Транспорт вазирлигининг (И.Р. Махкамов) Ўзгидромет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, гидрометеорологик инфратузилмани янгилаш ҳамда соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида ушбу қарорнинг 10-иловасига мувофиқ маблағларни **бир ой муддатда** кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўлов сифатида Ўзгидрометга ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Белгилансинки, Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва маълумотлар шартнома асосида тақдим этилади.

Ўзгидромет Бош директориغا (Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев):

Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, об-ҳаво прогнозларининг аниқлигини ошириш ҳамда соҳа инфратузилмасини янгилашга етарлича шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўрсатилаётган барча хизмат тарифларини тасдиқлаш;

гидрометеорология соҳасидаги хорижий илғор тажрибасини татбиқ этиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари битирувчиларини ва маҳаллий мутахассисларни белгиланган штат бирликлари доирасида шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Малакали мутахассислар ва Ўзгидромет ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган миқдордаги иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзгидрометнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

21. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомни;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти тузилмасини;

Тошкент гидрометеорология техникумида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидромет ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

Ўзгидромет томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

22. Қуйидагилар:

а) Бош вазирнинг маслаҳатчиси О.М. Умаров:

мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, масъул вазирлик ҳамда идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

“Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштиришга;

мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришишни таъминлаш юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириб боришга;

амалга оширилган ишлар бўйича масъулларнинг ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиб боришга;

юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб боришга;

б) молия вазири Т.А.Ишметов:

зарур маблағлар ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишига;

бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга;

в) Ўзгидромет бош директори Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев:

“Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

гидрометеорология хизматларини кўрсатиш фаолиятига интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этишга;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантиришга;

г) тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига “Йўл харитаси” ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзгидрометнинг ҳудудий бошқармаларини ривожлантириш дастурларини бажаришга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3029-сон қарори 4-бандининг олтинчи хатбошиси ҳамда қарорга 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Ўзгидромет манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарорига

1-илова

**2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология
хизматини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ва гидрометеорологик фаолиятни такомиллаштиришнинг концептуал ёндашувини белгилаш мақсадларида ишлаб чиқилди.

2. Концепция гидрометеорология фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишларини, фан ва техника ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосидаги устувор тадбирларни белгилайди.

**2-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг
мақсад ва вазифалари**

3. Концепциянинг асосий мақсади миллий гидрометеорология хизмати вазифаларини жаҳон стандартлари даражасида бажарилишини таъминловчи юқори самарали инновацион хизматга айлантиришдан иборат.

4. Гидрометеорология хизматини ривожлантириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан кузатиш тизимларининг фаолият кўрсатиши, маълумотларни тақдим этиш шакли, мазмуни ва муддатларини шакллантириш талабларини белгилаш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш;

кузатув тармоғи зичлигини ошириш ҳамда ўлчов воситалари ва замонавий усулларини татбиқ этиш орқали кузатув тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш;

гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

гидрометеорология хизмати соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этиш;

маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тақдим этишнинг замонавий воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда кузатув тармоғидан олинган ахборот ресурслари интеграциясини таъминлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

иқлимга боғлиқ табиий офатлар, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш чоралари тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш.

3-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

5. Концепция қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутди:

гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш;

гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизациялаш;

гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

гидрометеорология фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш.

6. Гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш доирасида қуйидагилар белгиланади:

гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог” унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилиш;

гидрометеорология фаолиятининг турли хил шакллари тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

гидрометеорология соҳасидаги давлат стандартлари ва техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

гидрометеорология соҳасидаги халқаро ва давлатлараро стандартларни татбиқ этиш ва уйғунлаштириш.

7. Гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизациялаш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

илғор инфорацион технологиялар, замонавий кузатув воситалари, таҳлилий асбоб-ускуналар, қурилмалар ва барқарор алоқа тизимларини жорий этиш орқали кузатув тармоғини техник қайта жиҳозлаш, жумладан гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик станциялари ва постлари сонини амалдаги **335** тадан **397** тагача орттириш, автоматлаштирилган метеорологик станциялар улушини **14** фоиздан **100** фоизга, қор кўчки станциялар ва агрометеорологик постлар улушини **100** фоизга етказиш;

ер усти кузатувлари маълумотларини комплекс таҳлил қилиш, масофадан зондлаш ва замонавий математик моделлаштириш усуллари асосида барча фаолият турлари, шу жумладан метеорология, агрометеорология, гидрология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бўйича тезкор мониторинг интеллектуал тизимини яратиш;

атмосферани масофадан ва радиолокацион зондлаш замонавий воситаларини, жумладан қўшимча **4 та** метеорологик локаторларни ўрнатиш, иқтисодиётнинг об-ҳавога боғлиқ тармоқлари фаолияти ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини тўлиқ қамраб олувчи ер усти метеорологик радиолокаторлар ягона тармоғига бирлаштириш;

турли муддатли гидрометеорологик прогнозлашнинг инновацион услубларини жорий этиш, турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозларининг ишончлилигини ошириш, жумладан **суткалик 92 фоиздан 95 фоизга, 2-3 суткалик 90 фоиздан 92 фоизга, 4-5 суткалик 88 фоиздан 90 фоизга** ошириш;

сунъий йўлдош маълумотлари ҳамда масофавий зондлаш орқали олинган маълумотлар асосида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида эрта огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиш сифатини тубдан яхшилаш, гидрометеорология хизмати тизимида ахборот технологиялари ва замонавий дастурий маҳсулотларни кенг жорий этиш;

гидрометеорологик ахборотлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши ҳолати тўғрисида маълумотлар ягона электрон фондини шакллантириш;

гидрометеорология хизмати ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини рақамли иқтисодиётга интеграциялаш, давлат органлари билан самарали ахборот ҳамкорлигини ташкил этиш;

атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги ахборот тизимини такомиллаштириш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингининг янги усуллари ривожлантириш ва татбиқ этиш, замонавий автоматик ўлчов воситаларини ўрнатиш;

гидрометеорология хизмати рақамли ва телекоммуникация инфратузилмасининг технологик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирларини амалга ошириш.

8. Гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ахборот маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда миллий гидрометеорология хизмати фаолиятига гидрометеорологик ва иқлимий хизмат кўрсатишнинг халқаро моделларини интеграциялаш, шунингдек, турли гидрометеорологик маълумотлар кўрсаткичлари/мезонларни яхшилаш;

авиаметеорология бўлинмаларида Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти стандартлари асосида сифат менежменти тизимини такомиллаштириш;

иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришлари, уларга мослашиш ва салбий оқибатларини юмшатиш тўғрисида ахборот маҳсулотларини яратиш орқали иқлимий хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

хавфларни олдиндан аниқлаш ва давлат органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини аввалдан хабардор қилишни таъминлайдиган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида барвақт огоҳлантириш тизимларини ривожлантириш, шунингдек, шторм огоҳлантиришларнинг оқланиш даражасини **92 фоиздан 95 фоизга** етказиш;

туризм соҳаси самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган гидрометеорологик хизмат кўрсатиш, жумладан биоиқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон туристик салоҳияти картографик модели ва унинг мобил иловасини яратиш.

9. Гидрометеорология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

илғор технологиялар, малакавий ва касбий тайёргарликка қўйиладиган талабларни эътиборга олган ҳолда кадрлар сиёсати тизимини, жумладан кадрларни танлаш механизми, иш жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш;

“Гидрометеорология” йўналиши бўйича базавий олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш;

гидрометеорология хизмати ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларининг мақсадли сиртқи таълим олишини ташкил этиш;

Тошкент гидрометеорология коллежи негизида ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорология хизмати тизимидаги олий маълумотли мутахассислар улушини **23 фоиздан 35 фоизга** етказиш;

юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда гидрометеорология хизмати ҳамда бошқа ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, масофавий таълим олиш технологияларини жорий этиш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва мослашиш, атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги ва рақамли технологиялар соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича стажировкалар ва семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш.

10. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

илмий-тадқиқот ишларини уларнинг натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига амалий ва мақсадли жорий этилишини ҳисобга олиб амалга ошириш;

гидрометеорология соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

кузатувлар ва гидрометеорологик маълумотларга ишлов бериш, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи ва минтақавий иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришларини баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича инновацион илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий лабораториялари ва ноёб объектларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали босқичма-босқич модернизациялаш;

кузатувлар, гидрометеорологик маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогнозлашнинг илмий услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

минтақавий иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришлари, уларнинг оқибатларини прогнозлаш, асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларига қаратган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларининг заифлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш;

гидрометеорологик, агрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги пунктларининг мақбул жойлашувини белгиловчи ер ўсти кузатув пунктлари тармоғини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

халқаро тажриба ва инновацион ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот услубларини такомиллаштириш;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтидаги илмий даражага эга илмий ходимлар улушини **47 фоиздан 65 фоизга** етказиш.

11. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

тегишли халқаро мажбуриятлар, хусусан Жаҳон метеорология ташкилоти Конвенцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси, Киото протоколи ва Париж битими, ЮНЕСКО Халқаро гидрология дастури, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгаши доирасидаги мажбуриятларни бажариш;

етакчи хорижий метеорология ва гидрология хизматлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ягона халқаро ва минтақавий гидрометеорологик кузатувлар ҳамда маълумот алмашиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳит мониторинги, илғор технологиялар билан алмашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

трансгегаравий ҳудудларда гидрометеорологик кузатув маълумотлари билан алмашиш соҳасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги техник кўмак лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро молиявий институтлар ва иқлимий молиялаштириш жамғармалари маблағларини жалб қилиш;

гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида хорижий турдош муассасалар билан тажриба алмашиш.

12. Гидрометеорология фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

гидрометеорологик маълумотлар ва кўрсатилаётган ихтисослаштирилган хизматлар рўйхатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида жойлаштириш учун умумий маълумотлар тўпламини кенгайтириш;

гидрометеорологик маълумотларни визуаллаштириш сифатини яхшилаш, Ўзгидромет расмий веб-сайтини янгилаш ва унинг мобил иловасини яратиш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, етакчи таълим ва илмий муассасалар ходимлари, гидрометеорология соҳасидаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари, экспертлик ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминловчи жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш;

“Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журнали нашр этилишини ташкиллаштириш.

4-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга оширишдан кутилаётган натижалар

13. Концепциянинг асосий йўналишларини амалга ошириш миллий гидрометеорология хизматини замонавий жаҳон технологиялари даражасига олиб чиқишга имкон беради.

14. Концепцияни амалга оширишдан иловада белгиланган асосий кўрсаткичларга эришиш кутилмоқда.

**2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини
ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1. Гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш				
1	Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисида низомни тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2020 йил 31 декабрь	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар
2	Гидрометеорология соҳасидаги давлат стандартлари ва техник регламентларни жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ тайёрлаш ҳамда унинг амалга оширилишини таъминлаш.	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 1 февраль	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги
3	Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ахборот хизматларини тақдим этиш масалалари тартибга солинишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида Регламентни ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 март	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар
4	“Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2021 йил 30 март	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар
5	Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази давлат муассасасини ташкил этиш ва унинг асосий вазибалари этиб қуйидагиларни белгилаш: гидрометеорология хизмати самарадорлигини ошириш, электрон хизматларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган замонавий интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш;	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 март	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	<p>гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантириш, электрон ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва гидрометеорологик ҳамда сунъий йўлдош маълумотлари билан алмашиш учун ягона телекоммуникация тармоғини яратиш;</p> <p>катта ҳажмдаги рақамли маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш, гидрометеорологик ва сунъий йўлдош маълумотларини моделлаштириш учун юқори тезликка эга компьютер марказларидан кенг фойдаланиш;</p> <p>гидрометеорология хизмати ходимларининг, айниқса, катта ҳажмдаги маълумотлар, компьютер моделлаштириш, сунъий йўлдош технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги кўникмаларини ривожлантириш.</p>			
6	<p>Давлат бошқаруви органлари, вазирлик ва идораларга гидрометеорологик ва атроф табиий муҳит ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, об-ҳаво прогнозларининг аниқлигини ошириш учун Ўзгидромет инфратузилмасини янгилашга етарлича шарт-шароитлар яратиш мақсадида гидрометеорологик хизматлар нархларини қайта ишлаб чиқиш.</p>	Норматив ҳужжат	2021 йил февраль	Ўзгидромет, Молия вазирлиги
7	<p>Гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига рухсат бериш ва маълумот алмашишни тартибини ишлаб чиқиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Ўзгидромет, Ўзстандарт агентлиги
2. Гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизациялаш				
8	<p>Хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни мониторинг қилиш, прогнозлаш ва огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш.</p>	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 1 апрель	Ўзгидромет, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вазирлик ва идоралар
9	<p>Ўзгидрометда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда маълумотларни олиш ва тақсимлаш, олинган маълумотлар мажмуаларини қабул қилиш, каталоглаштириш ва архивлаштириш</p>	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 30 январь	Ўзгидромет

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	жараёнини автоматлаштиришни таъминлаш мақсадида маълумотларни бошқариш технологиясини такомиллаштириш.			
10	Гидрометеорологик маълумотлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ягона электрон фондиди шакллантириш.	Чора-тадбирлар дастури	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет
11	Ер усти кузатувлари маълумотларини комплекс таҳлил қилиш, масофадан зондлаш ва замонавий математик моделлаштириш усуллари асосида барча фаолият турлари, шу жумладан метеорология, агрометеорология, гидрология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бўйича тезкор мониторинг интеллектуал тизимини яратиш.	Чора-тадбирлар дастури	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет, “Ўзбеккосмос” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
12	Ўзгидрометда маълумотларни узатиш ягона корпоратив тизимини ташкил этиш орқали гидрометеорологик ахборот ва сунъий йўлдош маълумотлари ягона телекоммуникация тармоғини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
13	Янги ташкил этилаётган қор кўчки станциялари, метеорологик станциялар ва кузатув пунктлари учун бино ва иншоотлар қуриш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2025 йиллар	Ўзгидромет, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14	Авиацияга метеорологик хизматлар кўрсатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида “O’zaeronavigatsiya” маркази давлат унитар корхонасига тегишли республика аэропортлари ҳудудида ўрнатилган автоматик авиация метеорология станцияларини (КРАМС) Ўзгидромет тасарруфига ўтказиш ва ажратмалар миқдорини қайта кўриб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 март	Транспорт вазирлиги, Ўзгидромет, Адлия вазирлиги
3. Гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш				

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
15	Хизмат кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш, гидрометеорологик хизмат инфратузилмаси, ахборот тизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотларининг технологик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш.	Чора-тадбирлар дастури	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
16	Авиаметеорологик бўлинмаларда фаолият натижадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида ISO 9001:2015 халқаро стандарти бўйича сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юқори даражада сақлаб туриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет, “Ўзстандарт” агентлиги
17	Парвозлар хавфсизлигининг замонавий талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида миллий ҳамкор ташкилотлар ва авиация фойдаланувчилари билан авиацияни метеорологик таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.	Ҳамкорлик тўғрисида битимлар	доимий равишда	Ўзгидромет, Транспорт вазирлиги
18	Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, қуёш ва шамол электр станциялари учун майдонларни аниқлаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнида Энергетика вазирлиги ва инвесторларга шартнома асосида метеорологик ва гидрологик маълумотларни тақдим этишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020-2025 йиллар	Ўзгидромет, Энергетика вазирлиги
4. Гидрометеорология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштириш				
19	“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог” унвонини таъсис этиш.	Қонун лойиҳаси	2021 йил 30 март	Ўзгидромет, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар
20	Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг “Гидрометеорологик хизмат аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 февраль	Ўзгидромет, “Давлат белгиси” ДИЧБ
21	Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини ташкил	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 2 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	қилиш, факультетда чуқур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.			Ўзбекистон Миллий университети, Ўзгидромет
22	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Россия давлат гидрометеорология университети билан гидрометеорология йўналиши бўйича қўшма ўқув дастурлари бўйича ўқишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021/2022 ўқув йилидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзгидромет
23	Гидрометеорология соҳасида кадрлар талабгорлари таклифлари ва етакчи хорижий олий ўқув юртларининг тажрибаси асосида бакалаврият мутахассисликларининг янги йўналишлари бўйича ўқишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 сентябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзгидромет
24	Гидрометеорология соҳасидаги касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзгидромет
25	Тошкент гидрометеорология техникумида гидрометеорология бўйича ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021/2022 ўқув йилидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзгидромет, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти
26	Меҳнат шарт-шароитлари ва бажариладиган ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, Ўзгидромет ишлаб чиқариш бўлинмалари лавозимларининг янги намунавий штат нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Норматив ҳужжат	2021 йил февраль 2021 йил март	Ўзгидромет, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
27	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан белгиланган тартибда	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2025 йиллар	Ўзгидромет, “Эл-юрт умиди” жамғармаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
гидрометеорология фаолияти йўналишлари бўйича хорижда кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш.				
5. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш				
28	Глобал иқлим ўзгаришининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига салбий таъсирини камайтириш ва оқибатларини юмшатишга қаратилган гидрометеорология фаолиятига оид илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини ривожлантириш.	2023 йилгача бўлган давр учун илмий-тадқиқот ишлари дастури	2021-2023 йиллар	Ўзгидромет, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
29	Гидрометеорология хизмати марказининг таклифлари асосида “Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий-тадқиқотлар устувор йўналишини шакллантириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 1 декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзгидромет, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
30	Илмий-тадқиқот ишларини самарали ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун замонавий моддий-техник базани шакллантириш мақсадида Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда мавжуд ноёб илмий объектларни қайта жиҳозлаш, бино ва иншоотларни таъмирлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь 2021-2023 йиллар	Ўзгидромет, Молия вазирлиги, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти
6. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш				
31	Жаҳон метеорология ташкилоти ва унинг минтақавий ассоциациялари комиссиялари, дастурлари ва эксперт гуруҳларида Ўзгидромет мутахассислари иштирокини кенгайтириш.	Ҳамкорлик дастурлари	Доимий равишда	Ўзгидромет, Ташқи ишлар вазирлиги
32	Гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мониторинги соҳасида илмий конференциялар, семинарлар, лойиҳалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда иштирок этиш орқали гидрометеорология соҳасидаги минтақавий	Ҳамкорлик дастурлари	Доимий равишда	Ўзгидромет, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.			
33	Ўзбекистон Республикасида авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида халқаро меъерий ҳужжатлар қоидалари ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти билан ҳамкорликни кенгайтириш.	Ҳамкорлик дастурлари	Доимий равишда	Ўзгидромет, Ташқи ишлар вазирлиги
34	Иқлим ўзгариши, табиий офатлар хавфини камайтириш, комплекс гидрометеорологик ва иқлимий мониторинг ҳамда атроф табиий муҳит мониторингини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро молиявий институтлар ва фондларнинг техник кўмак лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш.	Ҳамкорлик дастурлари	Доимий равишда	Ўзгидромет, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7. Гидрометеорология фаолиятини оммалаштириш ва аҳоли хабардорлигини ошириш				
35	“Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журнали нашр этилишини ташкиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йилдан, ҳар чорақда	Ўзгидромет, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти
36	Гидрометеорологик маълумотлар ва кўрсатилаётган ихтисослаштирилган хизматлар рўйхатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида жойлаштириш учун умумий маълумотлар тўпламини кенгайтириш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2021-2022 йиллар	Ўзгидромет, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси
37	Гидрометеорологик маълумотларни визуаллаштириш сифатини яхшилаш, Ўзгидромет расмий веб-сайтини янгилаш, мобил иловани яратиш.	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил давомида	Ўзгидромет
38	Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, етакчи таълим ва илмий муассасалар ходимлари, гидрометеорология соҳасидаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.	Чора-тадбирлар дастури	Доимий равишда	Ўзгидромет, МТРК

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
39	Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати ташкил этилганлигининг 100 йиллигини кенг нишонлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2021 йил 1 апрель	Ўзгидромет, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар

**Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати марказининг кузатув тармоғини
кенгайтириш ва автоматлаштириш
ДАСТУРИ**

I. Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати марказининг кузатув тармоғини кенгайтириш

Кузатув тармоғи	Мавжуд	Режада	шу жумладан:						Жами
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
Метеорология станциялари	70	19	5	5	4	2	2	1	89
Қор кўчки станциялари	3	5	2	1	1	1	-	-	8
Авиаметеорология станциялари	12	2	-	1	1	-	-	-	14
Гидрология постлари	134	11	1	2	2	2	2	2	145
Агрометеорология постлари	33	12	-	2	2	3	3	2	45
Метеорологик радиолокаторлар	3	4	1	1	2	-	-	-	7
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари	63	5	2	2	1	-	-	-	68
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги лабораториялари	17	4	-	2	2	-	-	-	21
Жами	335	62	11	16	15	8	7	5	397

II. Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати марказининг қўзғатув тармоғини автоматлаштириш

Қўзғатув тармоғи	Мавжуд	Режада	шу жумладан:						Жами	Фоизда
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.		
Метеорология станциялари	14	75	48	12	8	7	-	-	89	100
Қор қўчки станциялари	-	8	2	1	1	2	2	-	8	100
Агрометеорология постлари	-	45	-	-	5	10	15	15	45	100
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари	-	16	2	2	3	3	3	3	16	24
Жами	14	144	52	15	17	22	20	18	158	81

**Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати маркази
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази
марказий аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони – 288 нафар,
шу жумладан бошқарув ходимлари – 26 нафар, ишлаб чиқариш ходимлари – 262 нафар.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Худуд номи	Умумий сони	шу жумладан:	
		Бошқарув ходимлари	Ишлаб чиқариш ходимлари
Қорақалпоғистон Республикаси	145	2	143
Андижон вилояти	56	2	54
Бўхоро вилояти	89	2	87
Жиззах вилояти	67	2	65
Қашқадарё вилояти	119	2	117
Навобий вилояти	100	2	98
Наманган вилояти	104	2	102

Худуд номи	Умумий сони	шу жумладан:	
		Бошқарув ходимлари	Ишлаб чиқариш ходимлари
Самарқанд вилояти	122	2	120
Сурхондарё вилояти	119	2	117
Сирдарё вилояти	29	2	27
Тошкент вилояти	249	2	247
Тошкент шаҳри	140	2	138
Фарғона вилояти	90	2	88
Хоразм вилояти	75	2	73
Жами:	1504	28	1476

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарорига
7-илова

**Гидрометеорология илмий-текшириш институти томонидан
2021-2023 йиллар давомида ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларининг
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Об-ҳаво прогнозининг COSMO-CA сонли модели маълумотлари асосида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (кучли шамол, жала ёмғирлари, сел тошқинлари) мониторинг тизими ва унинг мобил иловасини яратиш.

2. Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм ҳудудларида турпакетларни диверсификациялаш ҳамда Ўзбекистон туристик салоҳияти картографик модели ва унинг мобил иловасини яратиш.

3. Турли сатҳларда сув буғининг ҳаракатланишини ўрганиш асосида атмосфера дарёларининг Ўзбекистон ҳудудида шаклланадиган ёғингарчиликка таъсирини миқдорий баҳолаш учун дастурий маҳсулот яратиш.

4. Ўзбекистон Республикасида автоматлаштирилган метеорологик радиолокаторлар тармоғининг ягона ахборот тизимини яратиш.

5. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида кузги бўғдой маҳсулдорлигини диагнозлаш ва прогнозлашнинг тезкор моделини ишлаб чиқиш.

6. Масофавий зондлаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўсимлик қоплами ўзгаришини мониторинг қилиш бўйича автоматлаштирилган миллий дастурий маҳсулот яратиш.

7. Глобал иқлим ўзгариши шароитида тоғ музликлари массаси баланси ўзгаришининг мониторинг тизимини ва музликларнинг келажақдаги ҳолатини тавсифловчи сценарийларни ишлаб чиқиш.

8. Иқлим ўзгариши шароитида Чотқол ва Писком дарёлари сув ресурслари ўзгаришини гидроэнергетик нуқтаи назардан прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш.

9. Дарёлар оқими узоқ муддатли прогнозлари сифатини ошириш учун математик моделлар, масофавий зондлаш ва ер усти кузатиш тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон тоғли ҳудудларида қор захиралари шаклланиши динамикасининг янги дастурий таъминотини яратиш.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари учун сел оқими хавфини олдиндан огоҳлантиришнинг интерактив онлайн тизимини яратиш.

11. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда шаклланадиган тоғ дарёларида сув камайишини прогнозлашнинг геоинформацион технологиясини яратиш.

12. Ўзбекистонда стабил изотоплардан фойдаланиб, сув ресурслари ва уларнинг ифлосланиши манбалари янги мониторинги тизими асосида дастур яратиш.

13. Айдар-Арнасой кўллари тизими гидрологик ва гидрохимёвий режими барқарорлигини таъминлаш мақсадида сув-туз баланси моделини яратиш.

14. Иқлим ва шаҳар инфратузилмасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифати мониторинг тизими учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш.

15. Иқлим ўзгариши шароитида Сурхондарё ва Қашқадарё ҳавзаси дарёлари оқимини узоқ муддатли прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш.

**2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати ривожланишининг
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат	Йиллар бўйича					
				2020	2021	2022	2023	2024	2025
1.	Кузатув тармоғи станциялари ва постлар сони, шу жумладан:	дона	335	346	362	376	385	392	397
	метеорология станциялари	дона	70	75	80	84	86	88	89
	қор кўчки станциялари	дона	3	5	6	7	8	8	8
	авиаметеорология станциялари	дона	12	12	13	14	14	14	14
	агрометеорология постлари	дона	33	33	35	37	40	43	45
	гидрология постлари	дона	134	135	137	139	141	143	145
	метеорологик локаторлар	дона	3	4	5	6	7	7	7
	атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари	дона	63	65	67	68	68	68	68
	атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги лабораториялари	дона	17	17	19	21	21	21	21
2.	Автоматлаштирилган метеорологик станциялар улуши	фоиз	20	64	80	91	100	100	100
3.	Автоматлаштирилган қор кўчки станциялари улуши	фоиз	0	25	38	50	75	100	100
4.	Автоматлаштирилган агрометеорологик постлар улуши	фоиз	0	0	0	11	33	68	100
5.	Автоматлаштирилган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари улуши	фоиз	0	3	6	10	14	19	24

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат	Йиллар бўйича					
				2020	2021	2022	2023	2024	2025
6.	Шторм огоҳлантиришларнинг оқланиш даражаси	фоиз	92	92	93	93	94	94	94
7.	Турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозларининг ишончлилиги: суткалик	фоиз	92	92	93	93	94	95	95
	2-3 суткага	фоиз	90	90	91	91	92	92	92
	4-5 суткага	фоиз	88	88	89	89	90	90	90
8.	Олий маълумотли мутахассислар улуши	фоиз	23	24	25	27	29	32	35
	Илмий даражага эга Институт илмий ходимлар улуши	фоиз	47	50	53	56	59	62	65

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарорига
8а-илова

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш доирасида
2020–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Гидрометеорология бошқармасини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори		
		2020 йил	2021 йил	2022 йил
Автоматлаштирилган метеорология станциялари улуши	фоиз	80	100	100
Агрометеорологик постлар сони	дона	8	8	8
Автоматлаштирилган агрометеорология постлари улуши	фоиз	-	60	100
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари сони	дона	2	5	6
Автоматлаштирилган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари улуши	дона	-	80	100
Тармоқнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамрови даражаси	фоиз	70	85	100
Олий маълумотли ходимлар сони	нафар	45	50	55
Малака оширган ходимлар сони	нафар	10	15	25
Ахборот технологиялари бўйича малака оширган ходимлар сони	нафар	10	15	20
Гидрометеорология соҳасини ривожлантиришга йўналтирилиши режалаштирилган маҳаллий бюджет ва маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми	млрд сўм	0,5	0,8	1,5

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш бошқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
I. Гидрометеорология инфратузилма объектларини ривожлантириш					
1.	Қорақалпоғистон Республикасида Бўстон, Тахиатош ва Қўнғирот метеорология станциялари янги биноларини қуриш	1. Бўстон ва Тахиатош метеорология станциялари янги биноларини қуриш. 2. Бўстон ва Тахиатош метеорология станциялари янги биноларида қузатувларни ташкил этиш. 3. Қўнғирот метеорология станцияси янги биносини қуриш. 4. Қўнғирот метеорология станцияси янги биносида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 20 август 2021 йил 1 сентябрь 2022 йил 20 август 2022 йил 1 сентябрь	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
2.	Қорақалпоғистон Республикасида 8 та агрометеорология постлари инфраструктурасини яхшилаш	1. Шорахон, Раушан, Қанликўл, Манғит, Хўжайли, Шуманай, Сариколтин ва Улуғбоғ агрометеорология постлари биноларини қурилиши учун ер ажратиш. 2. Агрометеорология постлари учун янги бинолар қуриш. 3. Агрометеорология постлари янги биноларида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 20 январь 2021 йил 20 июль 2021 йил 1 сентябрь	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
3.	Қорақалпоғистон Республикасида гидрология станциялари инфраструктурасини яхшилаш	1. Қизилжар ва Порлатов гидрология станциялари янги биноларини қуриш. 2. Қизилжар ва Порлатов гидрология станциялари янги биноларида қузатувларни ташкил этиш. 3. Қипчоқ гидрология станцияси янги биносини қуриш. 4. Қипчоқ гидрология станцияси янги биносида қузатувларни ташкил этиш.	2022 йил 20 август 2022 йил 1 сентябрь 2022 йил 20 август 2022 йил 1 сентябрь	Давлат инвестиция дастури маблағлари Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет

4.	Қорақалпоғистон Республикасида Оқтумшўқ метеорология станцияси биносини капитал таъмирлаш	Оқтумшўқ метеорология станцияси ва гидрометеорология бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш.	2021 йил 20 август	Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар доирасида	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
5.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш	Гидрометеорология бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш.	2022 йил 20 август	Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар доирасида	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
6.	Қорақалпоғистон Республикасида атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари инфраструктурасини яхшилаш	1. Нукус шаҳридаги 2 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини реконструкция қилиш. 2. 2 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларида хизмат фаолиятини ташкил этиш.	2022 йил 20 июль 2022 йил 1 сентябрь	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
7.	Қорақалпоғистон Республикасида атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги тармоғини кенгайтириш	1. Мўйноқ, Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларида атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини ташкил қилиш учун ер ажратиш. 2. Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини қуриш. 3. Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини зарур ускуналар билан таъминлаш. 4. Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларида кузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 20 январь 2021 йил 20 июль 2021 йил 15 сентябрь 2021 йил 5 октябрь	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
8.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармасини юқори ўтувчи машина билан таъминлаш.	2 та юқори ўтувчи машинасини харид қилиш ва гидрометеорология бошқармасига топшириш.	2020 йил 1 декабрь	Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

II. Гидрометеорология соҳасини рақамлаштириш					
9.	Қорақалпоғистон Республикасида 8 та агрометеорология постларини автоматлаштириш	1. Шорахон, Раушан, Қанликўл, Манғит, Хўжайли, Шуманай, Сариколтин ва Улуғбоғ агрометеорология постларида автоматик метеостанция ўрнатиш. 2. Автоматик метеостанциялар ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 25 август 2021 йил 1 сентябрь	Грант маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
10.	Гидрометеорологик прогнозлар тайёрлашда Нукус метеорологик радиолокатор имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш.	1. Метеорологик маълумотларни Ўзгидромет ҳисоблаш кластерига узатиш. 2. Ҳисоблаш кластер маҳсулотларини прогнозлаш учун Ўзгидромет кундалик амалиётига жорий этиш. 3. Метеорологик радиолокатор прогнозлари тизимини яратишда математик моделлаштиришнинг замонавий усулларида фойдаланиш.	2020-2021 йиллар 2021-2022 йиллар 2022 йил 1 декабрь	Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзгидромет
11.	Қорақалпоғистон Республикасида Қипчоқ гидрология станциясини автоматлаштириш	1. Амударё дарёси Қипчоқ гидрология станциясига автоматик ўлчаш ускуналарини ўрнатиш. 2. Автоматик ўлчаш ускуналари ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2022 йил 25 август 2022 йил 1 сентябрь	Грант маблағлари	Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет
12.	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Мўйноқ, Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларидаги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини автоматлаштириш	1. Нукус шаҳрида 2 та, Мўйноқ, Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларида 1 тадан атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини автоматик ўлчаш ускуналари билан таъминлаш. 2. Автоматик ўлчаш ускуналари ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2022 йил 10 ноябрь 2022 йил 1 декабрь	Грант маблағлари	Ўзгидромет
13.	Нукус шаҳрида автоматик атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктини ташкил этиш	1. Нукус шаҳрида 1 та автоматик атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктини ташкил қилиш. 2. Автоматик ўлчов ускуналари ёрдамида атмосфера ҳавоси	2022 йил 10 август 2022 йил 5 сентябрь	Грант маблағлари	Ўзгидромет

		ифлосланиши мониторингини ташкил этиш.			
14.	Қорақалпоғистон Республикасида гидрометеорология объектларини юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига улаш ва фойдаланишни ташкил этиш.	<p>1. Гидрометеорология объектларини зарур алоқа каналлари билан таъминлаш ва оптик алоқа линияларини қуриш.</p> <p>2. Қорақалпоғистон ГМБ, Нукус фуқаро авиацияси, Бўстон, Жаслик, Қорақалпоқ, Қўнғирот, Мўйноқ, Тахиатош, Тахтақўпир, Чимбой метеостанцияларини Интернет тармоғига улаш.</p> <p>3. Барча гидрометеорология объектларида Интернет тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйиш.</p>	<p>2021–2022 йиллар</p> <p>2021 йил 1 декабрь</p> <p>2022 йил 1 июнь</p>	<p>Телекоммуникация оператори маблағлари</p> <p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет</p>
15.	Қорақалпоғистон Республикасида йиғиладиган метеорологик ва агрометеорологик маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	<p>1. Қорақалпоғистон ГМБ, Нукус фуқаро авиацияси, Бўстон, Жаслик, Қорақалпоқ, Қўнғирот, Мўйноқ, Тахиатош, Тахтақўпир, Чимбой метеостанцияларида олинadиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p> <p>2. Шорахон, Раушан, Қанликўл, Манғит, Хўжайли, Шуманай, Сариқолтин ва Улуғбоғ агрометеорология постларидан олинadиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2021 йил 20 апрель</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет</p>
16.	Қорақалпоғистон Республикасида олинadиган атроф-муҳит ифлосланишини мониторинги маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш	Қорақалпоғистон Республикасида 5 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларидан олинadиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	2022 йил 1 декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет

				инвестициялар ва грантлар	
17.	Қорақалпоғистон Республикасида йиғиладиган гидрологик маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	Амударё дарёси Қипчоқ, Қизилжар, Порлатов гидрология станциялари маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	2022 йил 10 декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет
18.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармасини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш.	2021 йил 1 декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет
		2. Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси ахборот-коммуникация воситаларини Ўзгидромет ахборот-коммуникация тизимига боғлаш.	2022 йил 10 июль		
19.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология тизимида кузатувларни реал вақт режимида амалга ошириш бўйича “ақлли” оператив мониторинг тизимларини жорий этиш.	1. “Ақлли” оператив мониторинг тизимини яратиш.	2021 йил 15 сентябрь	Бюджетдан ташқари маблағлар, грант маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет
		2. “Ақлли” оператив мониторинг тизимини ишга тушириш.	2021 йил 10 октябрь		
III. Гидрометеорология соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш					
20.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси 12 нафар ходимларини мутахассислик бўйича олий маълумот олишларини таъминлаш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини Ўзбекистон миллий университети сиртқи бўлимида ўқишларини ташкил этиш: 2021 йилда – 4 та ходим, 2022 йилда – 8 та ходим.	2020-2022 йиллар	Ходимларнинг маблағлари	Ўзгидромет

21.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси 50 нафар ходимларини мутахассислик бўйича малака оширишини ташкил этиш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини Тошкент гидрометеорология техникумида малака оширишини ташкил этиш: 2020 йилда – 10 та ходим, 2021 йилда – 15 та ходим, 2022 йилда – 25 та ходим.	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, бюджетдан ташқари маблағлар, грантлар	Ўзгидромет
22.	Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология бошқармаси 45 нафар ходимларини ахборот технологиялар бўйича малакасини ошириш	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича ўқитиш ва амалий тренинглار ташкил этиш: 2020 йилда – 10 та ходим, 2021 йилда – 15 та ходим, 2022 йилда – 20 та ходим.	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарорига
86-илова

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш доирасида
2020–2022 йилларда Андижон вилояти гидрометеорология бошқармасини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори		
		2020 йил	2021 йил	2022 йил
Автоматлаштирилган метеорология станциялари улуши	фоиз	80	80	100
Агрометеорология постлари сони	дона	1	1	1
Автоматлаштирилган агрометеорология постлари улуши	фоиз	-	100	100
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари сони	дона	3	3	7
Автоматлаштирилган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари улуши	фоиз	-	-	14
Тармоқнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамрови даражаси	фоиз	70	85	100
Олий маълумотли ходимлар сони	нафар	6	10	14
Малака оширган ходимлар сони	нафар	-	15	20
Ахборот технологиялари бўйича малака оширган ходимлар сони	нафар	15	15	22
Гидрометеорология соҳасини ривожлантиришга йўналтирилиши режалаштирилган маҳаллий бюджет ва маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми	млрд. сўм	0,4	0,8	1,5

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
I. Гидрометеорология инфратүзилма объектларини ривожлантириш					
1.	Қўрғонтепа туманида Хонобод янги метеорология станциясини ташкил этиш	1. Хонобод янги метеорология станцияси биносини қуриш. 2. Хонобод янги метеорология станциясида қузатувларни ташкил этиш.	2020 йил 10 декабрь 2021 йил 1 январь	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
2.	Пахтаобод туманида янги агрометеорология станциясини ташкил этиш	1. Вилоят ҳокимлиги томонидан янги агрометеорология станцияси қурилиши учун ер ажратиш. 2. Пахтаобод агрометеорология станцияси биносини қуриш. 3. Пахтаобод агрометеорология станциясида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 15 январь 2021 йил 20 август 2021 йил 1 октябрь	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
3.	Марҳамат туманида янги агрометеорология станциясини ташкил этиш	1. Вилоят ҳокимлиги томонидан янги агрометеорология станцияси қурилиши учун ер ажратиш. 2. Марҳамат агрометеорология станцияси биносини қуриш. 3. Марҳамат агрометеорология станциясида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 10 май 2022 йил 20 август 2021 йил 1 октябрь	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
4.	Шаҳрихон агрометеорология пости инфраструктурасини яхшилаш	1. Шаҳрихон агрометеорология постининг янги биносини қуриш. 2. Шаҳрихон агрометеорология пости янги биносида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 20 август 2021 йил 1 сентябрь	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
5.	Қўрғонтепа ва Улуғнор туманларидаги метеорология станциялари янги биноларини қуриш	1. Қўрғонтепа метеорология станцияси янги биносини қуриш. 2. Қўрғонтепа метеорология станцияси янги биносида қузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 25 август 2021 йил 5 сентябрь	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		<p>3. Улуғнор метеорология станцияси янги биносини қуриш.</p> <p>4. Улуғнор метеорология станцияси янги биносида кузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 20 август 2022 йил 1 сентябрь</p>		
6.	<p>Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари инфраструктурасини яхшилаш</p>	<p>1. Андижон шаҳридаги 3 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини реконструкция қилиш.</p> <p>2. 3 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларида хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 20 июль</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p>	<p>Давлат инвестиция дастури маблағлари</p>	<p>Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет</p>
7.	<p>Андижон вилоятининг атмосферага кўп ажратмалар чиқиши кузатилаётган ҳудудларида (Ахтачи, Кўйганёр қишлоқлари ва Андижон туманида) янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини ташкил этиш</p>	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари биносини қуриш.</p> <p>3. Янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларида кузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 10 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 июль</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p>	<p>Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет</p>
8.	<p>Вилоят гидрометеорология бошқармасини юқори ўтувчи автомашина билан таъминлаш</p>	<p>1 та юқори ўтувчи автомашинасини сотиб олиш ва вилоят гидрометеорология бошқармасига бериш.</p>	<p>2020 йил 25 декабрь</p>	<p>Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Андижон вилояти ҳокимлиги</p>
II. Гидрометеорология соҳасини рақамлаштириш					
9.	<p>Улуғнор, Бўз, Қўрғонтепа, Хонобод метеорология станцияларини автоматлаштириш</p>	<p>1. Улуғнор, Бўз, Қўрғонтепа, Хонобод метеорология станцияларига автоматик метеостанция ўрнатиш.</p>	<p>2020 йил 25 декабрь</p>	<p>Грант маблағлари</p>	<p>Ўзгидромет</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		2. Автоматик метеостанция ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 1 январь		
10.	Янги ташкил этилаётган Пахтаобод ва Марҳамат агрометеорология станциясини автоматлаштириш	1. Пахтаобод ва Марҳамат агрометеорология станцияларига автоматик метеостанция ўрнатиш. 2. Автоматик метеостанция ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2022 йил 10 август 2022 йил 5 сентябрь	Грант маблағлари	Ўзгидромет
11.	Шаҳрихон агрометеорология постини автоматлаштириш	1. Шаҳрихон агрометеорология постига автоматик метеостанция ўрнатиш. 2. Автоматик метеостанция ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.	2021 йил 10 август 2021 йил 1 сентябрь	Грант маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет
12.	Андижон шаҳрида автоматик атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторинги пунктини ташкил этиш	1. Андижон шаҳрида 1 та автоматик атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторинги пунктини ташкил қилиш. 2. Автоматик ўлчов ускуналари ёрдамида атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторингини ташкил этиш.	2022 йил 20 август 2022 йил 5 сентябрь	Грант маблағлари	Ўзгидромет
13.	Вилоят ҳудудидаги гидрология постларини автоматлаштириш	1. Қорадарё дарёсидаги Қорабағиш гидропостини автоматлаштириш. 2. Савай, Шаҳрихонсой, Андижонсой каналларидаги гидропостларни автоматлаштириш.	2022 йил 25 март 2022 йил 20 сентябрь	Грант маблағлари Грант маблағлари	Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет
14.	Андижон вилоятидаги гидрометеорология объектларини юқори тезликдаги маълумотларни ўзатиш тармоғига ўлаш ва фойдаланишни ташкил этиш.	1. Гидрометеорология объектларини зарур алоқа каналлари билан таъминлаш ва оптик алоқа линияларини қуриш. 2. Андижон ГМБ, Андижон фуқаро авиацияси, Улуғнор, Бўз, Қўрғонтепа, Хонобод метеорология станциялари, Пахтаобод, Марҳамат	2021–2022 йиллар 2022 йил 20 октябрь	Телекоммуникация оператори маблағлари Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		<p>агрометеорология станциялари, Шаҳрихон агрометеорология постини Интернет тармоғига улаш.</p> <p>3. Барча гидрометеорология объектларида Интернет тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил 1 декабрь</p>		
15.	<p>Андижон вилоятида йиғиладиган метеорологик ва агрометеорологик маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>1. Андижон ГМБ, Андижон фуқаро авиацияси, Улуғнор, Бўз, Қўрғонтепа, Хонобод метеостанцияларида олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p> <p>2. Пахтаобод, Марҳамат агрометеорология станциялари, Шаҳрихон агрометеорология постларидан олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2021 йил 20 апрель</p> <p>2022 йил 10 декабрь</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	<p>Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>
16.	<p>Андижон вилоятида олинадиган атроф-муҳит ифлосланишини мониторинги маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>1. Андижон шаҳридаги 3 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларидан олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p> <p>2. Андижон шаҳрида ўрнатилган 1 та автоматик атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пункти маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2020 йил 25 декабрь</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	<p>Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
17.	Андижон вилоятида йиғиладиган гидрологик маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	Қорадарё дарёсидаги Қорабағиш гидропости ва Савай, Шаҳрихонсой, Андижонсой каналларидаги гидропостлар маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.	2022 йил 20 декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Андижон вилояти гидрометеорология бошқармаси фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.	1. Вилоят гидрометеорология бошқармасини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш. 2. Вилоят гидрометеорология бошқармаси ахборот-коммуникация воситаларини Ўзгидромет ахборот-коммуникация тизимига боғлаш.	2021 йил 10 декабрь 2022 йил 10 март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
19.	Андижон вилояти гидрометеорология тизимида кузатувларни реал вақт режимида амалга ошириш бўйича “ақли” оператив мониторинг тизимларини жорий этиш.	1. Улуғнор, Бўз, Қўрғонтепа, Хонобод метеостанцияларида автоматик метеостанцияларни ўрнатиш. 2. “Ақли” оператив мониторинг тизимини яратиш. 3. “Ақли” оператив мониторинг тизимини ишга тушириш.	2020 йил 25 декабрь 2021 йил 10 сентябрь 2021 йил 15 декабрь	Грант маблағлари Бюджетдан ташқари маблағлар	Ўзгидромет Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
III. Гидрометеорология соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш					
20.	Андижон вилоят гидрометеорология бошқармасининг 13 нафар ходимларини мутахассислик бўйича олий маълумот олишларини таъминлаш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини Ўзбекистон Миллий университети сиртки бўлимида ўқишларини ташкил этиш: 2020 йилда – 2 та ходим, 2021 йилда – 5 та ходим, 2022 йилда – 6 та ходим.	2020-2022 йиллар	Ходимларнинг маблағлари	Ўзгидромет, Ўзбекистон миллий университети

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
21.	Андижон вилоят гидрометеорология бошқармаси 35 нафар ходимнинг мутахассислик бўйича малака оширишини ташкил этиш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларининг Тошкент гидрометеорология техникумида малака оширишини ташкил этиш: 2021 йилда – 15 та ходим, 2022 йилда – 20 та ходим.	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, бюджетдан ташқари маблағлар, грантлар	Ўзгидромет
22.	Андижон вилоят гидрометеорология бошқармаси 50 нафар ходимларининг ахборот технологиялар бўйича малакасини ошириш	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича ўқитиш ва амалий тренинглар ташкил этиш: 2020 йилда – 15 та ходим, 2021 йилда – 15 та ходим, 2022 йилда – 20 та ходим.	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарорига
8в-илова

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш доирасида
2020–2022 йилларда Бухоро вилояти гидрометеорология бошқармасини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори		
		2020 йил	2021 йил	2022 йил
Автоматлаштирилган метеорология станциялари улуши	фоиз	33	100	100
Агрометеорологик постлар сони	дона	2	4	4
Автоматлаштирилган агрометеорология постлари улуши	фоиз	-	50	100
Автоматлаштирилган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари	дона	-	-	1
Тармоқнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамрови даражаси	фоиз	75	85	100
Олий маълумотли ходимлар сони	нафар	15	18	22
Малака оширган ходимлар сони	нафар	-	6	10
Ахборот технологиялари бўйича малака оширган ходимлар сони	нафар	15	15	20
Гидрометеорология соҳасини ривожлантиришга йўналтирилиши режалаштирилган маҳаллий бюджет ва маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми	млрд. сўм	0,28	1,9	3,8

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
I. Гидрометеорология инфратузилма объектларини ривожлантириш					
1.	Қоровулбозор ва Газли туманларида янги метеорология станцияларини ташкил этиш	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан Қоровулбозор ва Газли метеорология станциялари қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Қоровулбозор туманида янги Қоровулбозор метеорология станцияси биносини қуриш.</p> <p>3. Газли туманида янги Газли метеорология станцияси биносини қуриш.</p> <p>4. Қоровулбозор ва Газли метеорология станцияларида қўзғатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 10 май</p> <p>2021 йил 20 август</p> <p>2022 йил 20 август</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p>	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
2.	Шофиркон ва Бухоро туманларида янги агрометеорология постларини ташкил этиш	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан Шофиркон ва Бухоро туманларида янги агрометеорология постлари қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Шофиркон ва Галаосиё янги агрометеорология постлари биноларини қуриш.</p> <p>3. Шофиркон ва Галаосиё агрометеорология постларида қўзғатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 январь</p> <p>2021 йил 10 сентябрь</p> <p>2021 йил 1 ноябрь</p>	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
3.	Бухоро шаҳрида вилоят гидрометеорология бошқармаси янги маъмурий биносини қуриш	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан вилоят гидрометеорология бошқармаси янги маъмурий биноси қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Вилоят гидрометеорология бошқармаси янги маъмурий биносини қуриш.</p> <p>3. Гидрометеорология бошқармаси янги маъмурий</p>	<p>2021 йил 10 март</p> <p>2022 йил 20 август</p> <p>2022 йил 1 октябрь</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		биносида хизмат фаолиятини ташкил этиш.			
4.	Бухоро шаҳрида янги метеорологик радиолокатор тармоғини ташкил этиш.	<p>1. Метеорологик радиолокатор харид қилиш учун тендер (танлов) асосида ёлиб ташкилотни аниқлаш ва шартнома тузиш.</p> <p>2. Метеорологик радиолокаторни қабул қилиш ва белгиланган жойга ўрнатиш.</p> <p>3. Бухоро шаҳрида метеорологик радиолокатор ўскунасини ўрнатишга металл конструкцияли устун ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимлар учун бино қуриш.</p> <p>4. Метеорологик радиолокаторда қузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил 15 декабрь</p> <p>2021 йил 10 август</p> <p>2021 йил 20 июль</p> <p>2021 йил 1 сентябрь</p>	Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар, маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, грант маблағлари	Молия вазирлиги, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет
5.	Ғиждувон ва Ромитан туманларида метеорология станциялари янги биноларини қуриш	<p>1. Ғиждувон туманида Оёқоғитма метеорология станцияси янги биносини қуриш.</p> <p>2. Ромитан туманида Қизил-Равот метеорология станцияси янги биносини қуриш.</p> <p>3. Қизил-Равот ва Оёқоғитма метеорология станциялари янги биноларида хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 август</p> <p>2021 йил 25 август</p> <p>2021 йил 1 сентябрь</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Ўзгидромет, Бухоро вилояти ҳокимлиги
6.	Ромитан ва Жондор туманларида агрометеорология постлари инфраструктурасини яхшилаш	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан агрометеорология постлари янги бинолари қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Ромитан ва Яккатут агрометеорология постлари янги биноларини қуриш.</p>	<p>2021 йил 10 май</p> <p>2022 йил 20 август</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		3. Ромитан ва Яккатут агрометеорология постларида хизмат фаолиятини ташкил этиш.	2022 йил 5 сентябрь		
7.	Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари инфраструктурасини яхшилаш	<p>1. Бухоро шаҳридаги 1 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктини реконструкция қилиш.</p> <p>2. Бухоро шаҳридаги 1 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктида хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>3. Когон шаҳридаги 1 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктини реконструкция қилиш.</p> <p>4. Когон шаҳридаги 1 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктида хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 25 август</p> <p>2021 йил 1 сентябрь</p> <p>2021 йил 20 август</p> <p>2021 йил 5 сентябрь</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Ўзгидромет, Бухоро вилояти ҳокимлиги
8.	Вилоят гидрометеорология бошқармасини метеорология ва лаборатория ўсқуналари билан жиҳозланган махсус автомашина билан таъминлаш	1 та метеорология ва лаборатория ўсқуналари билан жиҳозланган махсус автомашинани вилоят гидрометеорология бошқармасига бериш.	2022 йил 1 сентябрь	Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар	Бухоро вилояти ҳокимлиги
9.	Вилоят гидрометеорология бошқармасини автомашина билан таъминлаш	1 та автомашина сотиб олиш ва вилоят гидрометеорология бошқармасига бериш.	2020 йил 25 декабрь	Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар	Бухоро вилояти ҳокимлиги
10.	Вилоят гидрометеорология бошқармасига қарашли кузатув тармоғини моддий-техника базасини яхшилаш	Вилоят гидрометеорология бошқармасига қарашли кузатув тармоғи 8 та станция ва постларини оргтехника, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш.	2020 йил 25 декабрь	Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар	Бухоро вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
II. Гидрометеорология соҳасини рақамлаштириш					
11.	Бухоро вилояти метеорология станцияларини автоматлаштириш	<p>1. Қоракўл, Оёқоғитма, Жонгелди, Қизил-Ровот метеорология станцияларига автоматик метеостанция ўрнатиш.</p> <p>2. Қоракўл, Оёқоғитма, Жонгелди, Қизил-Ровот метеорология станцияларида автоматик метеостанция ёрдамида қузатувларни ташкил этиш.</p> <p>3. Янги ташкил этилган Қоровулбозор ва Газли метеорология станцияларига автоматик метеостанция ўрнатиш.</p> <p>4. Қоровулбозор ва Газли метеорология станцияларида автоматик метеостанция ёрдамида қузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил 25 декабрь</p> <p>2021 йил 1 январь</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p>	Грант маблағлари	Ўзгидромет
12.	Бухоро вилояти ҳудудидаги агрометеорология постларини автоматлаштириш.	<p>1. Ромитан, Яккатут, Галаосиё ва Шофиркон агрометеорология постларида автоматик метеостанцияларни ўрнатиш.</p> <p>2. Автоматик метеостанциялар ёрдамида қузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 август</p> <p>2021 йил 5 сентябрь</p>	Грант маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
13.	Бухоро вилоятидаги гидрометеорология объектларини юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига улаш ва фойдаланишни ташкил этиш.	<p>1. Гидрометеорология объектларини зарур алоқа каналлари билан таъминлаш ва оптик алоқа линияларини қуриш.</p> <p>2. Бухоро ГМБ, Бухоро фуқаро авиацияси, Қоракўл, Қизил-Ровот, Оёқоғитма, Жонгелди метеостанцияларини Интернет тармоғига улаш.</p>	<p>2021–2022 йиллар</p> <p>2021 йил 10 декабрь</p>	<p>Телекоммуникация оператори маблағлари</p> <p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</p>	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		<p>3. Янги ташкил этилган Қоровулбозор ва Газли метеоростанцияларини Интернет тармоғига улаш.</p> <p>4. Барча гидрометеорология объектларида Интернет тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил 1 декабрь</p> <p>2022 йил 15 декабрь</p>		
14.	<p>Гидрометеорологик прогнозлар тайёрлашда Бухоро метеорологик радиолокатор имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш.</p>	<p>1. Метеорологик маълумотлар барча турларини Ўзгидромет ҳисоблаш кластерига узатиш.</p> <p>2. Ҳисоблаш кластер маҳсулотларини прогнозлаш учун Ўзгидромет кундалик амалиётига жорий этиш.</p> <p>3. Метеорологик радиолокатор прогнозлари тизимини яратишда математик моделлаштиришнинг замонавий усулларида фойдаланиш.</p>	<p>2022 йил 20 август</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	<p>Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, грант маблағлари</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзгидромет</p>
15.	<p>Бухоро шаҳрида автоматик атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторинги пунктини ташкил этиш</p>	<p>1. Бухоро шаҳрида 1 та автоматик атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторинги пунктини ташкил қилиш.</p> <p>2. Автоматик ўлчов ускуналари ёрдамида атмосфера ҳавоси ифлослиниши мониторингини ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 15 август</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p>	<p>Грант маблағлари</p>	<p>Ўзгидромет</p>
16.	<p>Бухоро вилоятида йиғиладиган метеорологик ва агрометеорологик маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>1. Бухоро ГМБ, Бухоро фуқаро авиацияси, Қорақўл, Қизил-Ровот, Оёқоғитма, Жонгелди метеостанцияларида олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2021 йил 20 апрель</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар</p>	<p>Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		<p>1. Қоровулбозор ва Газли метеостанцияларида олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p> <p>3. Ромитан, Яккатут, Галаосиё ва Шофиркон агрометеорология постларидан олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2022 йил 1 декабрь</p> <p>2022 йил 15 декабрь</p>	<p>ва грантлар</p>	
17.	<p>Бухоро вилоятида олинадиган атроф-муҳит ифлосланишини мониторинги маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>1. Бухоро вилоятидаги 4 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларидан олинадиган маълумотларни республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p> <p>2. Бухоро шаҳрида ўрнатилган 1 та автоматик атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пункти маълумотларини республика географик ахборот-таҳлилий геопорталига интеграциялаш.</p>	<p>2020 йил 15 декабрь</p> <p>2022 йил 15 декабрь</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	<p>Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>
18.	<p>Бухоро вилояти гидрометеорология бошқармаси фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.</p>	<p>1. Вилоят гидрометеорология бошқармасини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш.</p> <p>2. Вилоят гидрометеорология бошқармаси ахборот-коммуникация воситаларини Ўзгидромет ахборот-коммуникация тизимига боғлаш.</p>	<p>2021 йил 10 декабрь</p> <p>2022 йил 15 декабрь</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	<p>Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
19.	Бухоро вилояти гидрометеорология тизимида кузатувларни реал вақт режимида амалга ошириш бўйича “ақлли” оператив мониторинг тизимларини жорий этиш.	1. Оёқоғитма, Жонгелди, Қоракўл, Қизил-Ровот, метеостанцияларида автоматик метеостанцияларни ўрнатиш. 2. Қоровулбозор, Газли метеостанциялари, Ромитан, Яккатут, Галаосиё ва Шофиркон агрометеорология постларида автоматик метеостанцияларни ўрнатиш. 3. “Ақлли” оператив мониторинг тизимини яратиш. 4. “Ақлли” оператив мониторинг тизимини ишга тушириш.	2020 йил 25 декабрь 2021-2022 йиллар 2021 йил 1 сентябрь 2021 йил 15 декабрь	Грант маблағлари Бюджетдан ташқари маблағлар	Ўзгидромет Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
III. Гидрометеорология соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш					
20.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси 7 нафар ходимларини мутахассислик бўйича олий маълумот олишларини таъминлаш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини Ўзбекистон миллий университети сиртқи бўлимида ўқишларини ташкил этиш: 2021 йилда – 3 та ходим, 2022 йилда – 4 та ходим.	2020-2022 йиллар	Ходимларнинг маблағлари	Ўзгидромет, Ўзбекистон миллий университети
21.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси 10 нафар ходимларининг мутахассислик бўйича малака оширишини ташкил этиш.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларининг Тошкент гидрометеорология техникумида малака оширишини ташкил этиш: 2021 йилда – 4 та ходим, 2022 йилда – 6 та ходим.	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, бюджетдан ташқари маблағлар, грантлар	Ўзгидромет
22.	Вилоят гидрометеорология бошқармаси 50 нафар ходимларининг информацион технологиялар бўйича малакасини	Вилоят гидрометеорология бошқармаси ходимларини ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларидан	2020-2022 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, хорижий	Ўзгидромет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
	ошириш.	фойдаланиш бўйича ўқитиш ва амалий тренинглار ташкил этиш: 2020 йилда – 15 та ходим, 2021 йилда – 15 та ходим, 2022 йилда – 20 та ходим.		инвестициялар ва грантлар	вазирлиги

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш доирасида
2020–2022 йилларда Жиззах вилояти гидрометеорология бошқармасини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар миқдори		
		2020 йил	2021 йил	2022 йил
Автоматлаштирилган метеорология станциялари улуши	фоиз	-	80	100
Агрометеорологик постлар сони	дона	-	1	1
Автоматлаштирилган агрометеорология постлари улуши	фоиз	-	100	100
Атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари сони	дона	-	1	5
Автоматлаштирилган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари улуши	фоиз	-	-	40
Тармоқнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамрови даражаси	фоиз	70	85	100
Олий маълумотли ходимлар сони	нафар	-	2	4
Малака оширган ходимлар сони	нафар	-	15	20
Ахборот технологиялари бўйича малака оширган ходимлар сони	нафар	-	15	25
Гидрометеорология соҳасини ривожлантиришга йўналтирилиши режалаштирилган маҳаллий бюджет ва маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми	млрд. сўм	0,4	0,8	1,5

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
I. Гидрометеорология инфратузилма объектларини ривожлантириш					
1.	Жиззах вилояти Зомин ва Ғаллаорол туманларида агрометеорология станциялари учун янги биноларни қуриш.	<p>1. Зомин туманида Зомин агрометеорология станцияси янги биноси қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.</p> <p>2. Ғаллаорол туманида Ғаллаорол агрометеорология станцияси янги биноси қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.</p> <p>3. Янги биноларда хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил 10 декабрь</p> <p>2020 йил 10 декабрь</p> <p>2021 йил 1 январь</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
2.	Жиззах вилояти Мирзачўл туманида 1 та янги агрометеорология постини ташкил этиш.	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан янги агрометеорология пости қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Мирзачўл туманида янги Мирзачўл агрометеорология пости биносини қуриш.</p> <p>3. Агрометеорология постида кузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 январь</p> <p>2021 йил 15 июль</p> <p>2021 йил 5 август</p>	Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
3.	Жиззах вилояти Фориш туманида 1 та янги метеорология станциясини ташкил этиш.	<p>1. Вилоят ҳокимлиги томонидан янги метеорология станцияси қурилиши учун ер ажратиш.</p> <p>2. Фориш туманида янги Тузкон метеорология станцияси биносини қуриш.</p> <p>3. Метеорология станциясида кузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 20 январь</p> <p>2022 йил 15 август</p> <p>2022 йил 5 сентябрь</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
4.	Жиззах вилояти гидрометеорология бошқармаси инфраструктурасини яхшилаш.	<p>1. Жиззах шаҳрида гидрометеорология бошқармаси маъмурий биносини қуриш.</p> <p>2. Бахмал туманида Бахмал метеорология станцияси янги биносини қуриш.</p>	<p>2021 йил 1 октябрь</p> <p>2021 йил 20 август</p>	Давлат инвестиция дастури маблағлари	Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
		<p>3. Фориш туманида Янгиқишлоқ метеорология станцияси янги биносини қуриш.</p> <p>4. Янги биноларда хизмат фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 25 август</p> <p>2021 йил 1 сентябрь</p>		
5.	<p>Жиззах вилояти Фориш туманидаги Фарбий-Арнасой гидрология станцияси биносини капитал таъмирлаш.</p>	<p>1. Фарбий-Арнасой гидрология станцияси биносини капитал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.</p> <p>2. Фарбий-Арнасой гидрология станцияси биносини капитал таъмирлаш.</p>	<p>2022 йил 25 март</p> <p>2022 йил 20 июль</p>	<p>Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар</p>	<p>Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет</p>
6.	<p>Жиззах шаҳар, Зафаробод ва Фориш туманларида 3 та атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Жиззах шаҳар, Зафаробод ва Фориш туманларида 3 та янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини ташкил қилиш учун ер ажратиш.</p> <p>2. Жиззах шаҳар, Зафаробод ва Фориш туманларида 3 та янги атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктларини қуриш.</p>	<p>2021-2022 йиллар</p> <p>2022 йил 25 июль</p>	<p>Маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет</p>
7.	<p>Жиззах шаҳридаги вилоят гидрометеорология бошқармасини юқори ўтувчи автомашина билан таъминлаш.</p>	<p>2 та юқори ўтувчи автомашинани сотиб олиш ва вилоят гидрометеорология бошқармасига бериш.</p>	<p>2020 йил 25 декабрь</p>	<p>Маҳаллий бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Жиззах вилояти ҳокимлиги</p>
II. Гидрометеорология соҳасини рақамлаштириш					
8.	<p>Жиззах вилоятидаги 7 та гидрометеорология станцияларини автоматлаштириш.</p>	<p>1. Жиззах ГМБ, Бахмал, Дўстлик, Лалмикор, Янгиқишлоқ, Тўзкон метеорология станциялари ва Фарбий-Арнасой гидрология станциясига автоматик метеостанция ўрнатиш.</p> <p>2. Автоматик метеостанциялар ёрдамида қўзғатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 август</p> <p>2021 йил 1 сентябрь</p>	<p>Грант маблағлари</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзгидромет</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш бошқичлари	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижрочилар
9.	Жиззах вилояти ҳудудидаги агрометеорология станциялари ва постларини автоматлаштириш.	<p>1. Зомин ва Ғаллаорол агрометеорология станцияларига автоматик метеостанциялар ўрнатиш.</p> <p>2. Мирзачўл агрометеорология постига автоматик метеостанция ўрнатиш.</p> <p>2. Автоматик метеостанциялар ёрдамида кузатувларни ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил 20 август</p> <p>2021 йил 10 сентябрь</p> <p>2021 йил 20 сентябрь</p>	Грант маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзгидромет
